


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНинг МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ- ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИ



**Биз билан молиявий  
саводхонликни ошириш  
жуда осон!**



@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

@finlituzb

www.finlit.uz



## БАНК МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

**Finlit.uz – молия оламидаги  
шахсий навигаторингиз**



**Омонат – бу пул  
маблағларингизни  
сақлаш, тўплаш ва  
кўпайтириш имконияти**



**Ҳисобланган фоизларни  
бошқа банкнинг банк  
картасига ўтказишда  
комиссия олиниши  
мумкин**

**Ўз даромадларингизни кузатиб боринг: банклар томонидан тақдим  
этилган ахборот хизматларида сиз омонатларингиз бўйича  
ҳисобланган фоизлар тўғрисида шахсий (СМС) хабар олишингиз  
ёки мобил илова орқали маълумот олишингиз мумкин**

# ОМОНАТЛАРНИ БАНК ШАҲОБЧАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАН ҲОЛДА ЁКИ БАНК МОБИЛ ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОНЛАЙН ОЧИШ МУМКИН

 Мобил иловалар орқали банк омонатларини очиш учун:

1. Банк иловасини Google Play ёки Apple Store дан юклаб олинг

2. Онлайн идентификациядан ўтинг: банк картаси / мобил телефон рақами / тасдиқловчи ҳужжатлар орқали

3. Банк иловасига исталган банк картасини уланг

4. «Омонатлар» бўлимини очинг (жойлашув илова дизайнига қараб ўзгариши мумкин)

5. Омонат турини танланг, шартларни диққат билан ўқинг ва кейинги кўрсатмаларга риоя қилинг:

- Омонат очиш учун бошланғич миқдорни белгиланг
- Омонат муддатини танланг
- Маблағ ечиб олинадиган банк картасини танланг
- Электрон шартнома ва ички қоидаларни қурилмада ўқинг ва розилик беринг
- Омонат очилди!

## БАНК ОМОНАТЛАРИ ТЎЛИҚ ҲАЖМДА СУҒУРТАЛАНГАН

Ўзбекистонда барча омонатлар  
“Фуқароларнинг банклардаги  
омонатларини ҳимоялаш кафолатлари  
тўғрисида”ги қонун билан кафолатланган



**F B O K F**

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ

Унутманг! Банк лицензияси чақириб олинган  
такдирда, Фуқароларнинг банклардаги  
омонатларини кафолатлаш фонди фуқароларнинг  
банкдаги омонатлари бўйича омонат ҳажми ва  
валютасидан қатъий назар, тўлиқ миқдорда  
тўланишини кафолатлади



Лайфхак! Кўпгина мобил банк иловаларида  
бошланғич бадал учун керакли миқдорни  
белгилаш, омонатни номлаш, автоматик  
тўлдириш функциясини ўрнатиш мумкин